

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019. Т/ФМ.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

МАМАСОЛИЕВ КАЗОКБОЙ

**АСОСДА ЁТУВЧИ КўП ҚАТЛАМЛИ ПЛИТАЛАРНИНГ ИЧКИ
ЗЎРИҚИШ КУЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ УЧУН МАТЕМАТИК МОДЕЛ
ВА АНАЛИТИК ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ**

01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

**ФИЗИКА – МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент 2023

**Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) физико-
математических наук**

**Contents of dissertation abstract of doctor (DSc) of physical-mathematical
sciences**

Мамасолиев Казокбой

Асосда ётувчи кўп қатламли плиталарнинг ички зўриқиш кучларини баҳолаш
учун математик модел ва аналитик ҳисоблаш усуллари3

Мамасолиев Казокбой

Математическая модель и аналитические методы оценки внутренних усилий
многослойных плит, лежащих на основании30

Mamasoliev Kazokboy

Mathematical model and analytical methods for assessing the internal forces of
multilayer slabs lying on the base 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works61

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019. Т/ФМ.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

МАМАСОЛИЕВ КАЗОКБОЙ

**АСОСДА ЁТУВЧИ КўП ҚАТЛАМЛИ ПЛИТАЛАРНИНГ ИЧКИ
ЗЎРИҚИШ КУЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ УЧУН МАТЕМАТИК МОДЕЛ
ВА АНАЛИТИК ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ**

01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

**ФИЗИКА – МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент 2023

Физика – математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.1.DSc/FM211 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.insmech.uz) ва “Зиёнет” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ширинқулов Тошпўлот Ширинқулович

ЎзР ФА академиги, т.ф.д, профессор

Мирсаидов Мирзиёд Мирсаидович

ЎзР ФА академиги, т.ф.д, профессор.

Расмий оппонентлар:

Б.М.Мардонов

физика-математика фанлари доктори, профессор

Б.Э.Хусанов

физика-математика фанлари доктори, профессор

П.Ж.Маткаримов

техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент архитектура–қурилиш университети

Диссертация ҳимояси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти ҳузуридаги DSc 02/30.12.2019.T/FM.61.01 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил «__» _____ соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент, Дўрмон йўли кўчаси, 33, 1-мажлислар зали. Тел: (99871) 262-71-52, Факс: (99871) 262-71-32, e-mail insmech@academy.uz)

Диссертация билан Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин. (№ _____ рақм билан рўйхатдан ўтган.) (Манзил: 100125, Тошкент, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел: (99871) 262-71-52)

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил «__» _____ даги № _____ рақамли реестер баённомаси)

Р.А Абиров

Илмий даража берувч илмий кенгаш раиси,
ф–м.ф.д, к.и.х

М.К.Усаров

Илмий даража берувч илмий кенгаш котиби,
ф–м.ф.д., проф.

Б.Э.Хусанов

Илмий даража берувч илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси ф–м.ф.д., проф

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда барча қуриладиган бинолар, иншоотлар, аэродром ва бошқа объектларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш учун уларнинг грунтли асос билан биргаликда ишлашни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш ҳамда қуриш устувор талаблардан биридир. Шунинг учун турли эластик асосларда ётувчи кўп қатламли плиталарнинг ички зўриқиш кучларини баҳолашнинг математик моделларини ишлаб чиқиш, аналитик ҳисоблаш усулларини ҳамда такомиллашган ҳисоблаш алгоритминини қуришда дунёнинг кўплаб мамлакатлари, жумладан, АҚШ, Хитой, Россия, Японияда ҳамда бошқа мамлакатларда грунтларнинг статик ва динамик юклар таъсиридаги ҳолатини ўрганишга катта эътибор қаратилган.

Жаҳонда эластик асоснинг бир жинслилиги, бир жинсли бўлмаганлиги, комбинацияланганлиги каби турли хусусиятларини эътиборга олган ҳолда кўп қатламли конструктив қурилмалардаги ички зўриқиш кучларининг талаб даражасида бўлишлигини аналитик усулда баҳолай олиш, ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Дунёда кўп қатламли конструктив қурилмаларнинг асос билан ўзаро таъсирини эътиборга олиб, кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини етарли аниқликда баҳолашга имкон берувчи математик модел ва аналитик ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Республикамизда сейсмик хавфсизликни таъминлашнинг янада такомиллаштириш бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-144 сонли Фармонида бино ва иншоотлар зилзилабардошлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари кўрсатиб ўтилган. 2022–2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясида иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги муаммоларини ҳал этиш бўйича илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш вазифаси ҳам белгилаб қўйилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан қатламли конструктив тузилишга эга қурилмаларнинг асос билан бирга ишлашда иншоот элементларининг ички зўриқиш факторларини асоснинг турли хусусиятларини инобатга олган ҳолда баҳолашни амалга ошириш учун математик модел ҳамда соддалаштирилган аналитик ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 9 августдаги ПҚ-3190-сонли "Сейсмология, сейсмик чидамли қурилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлиги соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2020-йил 30-июндаги ПҚ-4794-сонли "Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш

тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги ва 2022 йил 30 майдаги ПФ-144-сон Фармони “Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари, шунингдек ушбу соҳага оид бошқа маъмурий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг IV “Математика, механика ва информатика” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Структуравий тузилишига кўра дискрет ўзгарувчи қатламлардан иборат турли қурилиш конструкция элементлари, шу жумладан қобиклар, пластинкалар ва плиталар бинолар, йўллар, кўприклар, тўғонлар, ер ости иншоатлари қурилишларида ишлатиладиким, улар қурилманинг кўзда тутилган даражадаги ишлаш қобилиятини ошириши ва таъминлаши талаб қилинади. Ушбу қурилмаларнинг ёки қурилма элементларининг ҳисоб ишларида аниқлаштирилган ва такомиллаштирилган усулларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, яъни: University of Leeds (Buyuk Britaniya), California Institute of Technology (USA), Southwest Jiatong University (China), Purdue University (USA), Otto-von-Guericke-Universität Magdeburg (Germany), McGill University (Canada), Shenyang Aerospace University (China), Rensselaer Polytechnic Institute (USA), Chinese University of Science and Technology (China), Dordrecht (Netherlands), Changzhou State University (China), Busan National University (Korea), University of Massachusetts Amherst (USA), Queen’s University, Belfast (Northern Ireland), Петербургский Политехнический университет (Россия), Московский государственный университет им.М.В.Ломоносова (Россия), Московский государственный технический университет им.Н.Э.Баумана (Россия), Институт теоритический и прикладной механики АН Российской Федерации, Институт прикладной математики и механики Национальная АН Украины, Пермский государственный университет, Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, <https://www.dissercat.com/catalog/mekhanika>; <http://www.mathnet.ru>; <http://link.springer.com>; <http://www.dissercat.com/catalog/fiziko-matematicheskie-nauki>; www.scholar.google.com; Free axisymmetric vibration of FMG circular plates// Applied Mathematics and Mechenics-2009/ - Volume 30. –Issue 9, -Pp/ 1077-1082; Изгиб двухслойной балки с нежестким контактом между слоями/ ПММ. -2011, Т,75, Вып, 1, -с, 112-121; Изв РАН, МТТ, -2016, №5 –с. 22-35; Изв РАН, МТТ, -2017, №2 –с. 32-45; Angie C. And others. Beams on elastic foundations – A review of railway applications and solutions. Transportation Geotechnics. Volume 33, March 2022, ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Миллий тадқиқот университети, Самарқанд давлат университети (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилиб келинмоқда.

Ҳар хил бошланғич ва чегара шартларда турли геометрик ва механик характерли пластинкаларнинг статик ва динамик кучлар таъсирида эгилиши, шунингдек, тебранишини таҳлил қилиш ва ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш Washington University (USA), Seattle University (USA), Blacksburg University (USA), Parij University (France), Hunan University (China) Darmstadt Institute of mechanics (Germany), Zagreb University (Croatia), университетларида; турли хусусиятларга эга бўлган эластик асосда ётувчи плиталарнинг кучланганлик - деформацияланганлик ҳолатини моделлаштириш, таҳлил қилиш ва ҳисоблаш усулларини янада такомиллаштириш Tongji (China), Shanghai (China), Darmtadi (Germany), МГУ (Россия) университетларида; қатламли пластинкаларни, плиталарни ҳисоблашда даражали қаторларнинг ҳамда ортогональ кўпхадларнинг қўлланилишига асосланган назария ва ҳисоблаш усуллари Poznan University of Life Sciences (Poland), University of Leeds (Buyuk Britaniya) Indian Institute of Technology Bombay (India), University of Massachusetts Amherst (USA), Dordrecht (Netherlands) МГСУ (Россия), С-ПТУ (Россия), БНТУ (Белорус), Ўзбекистон ФА қошидаги Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустақамлиги институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Миллий тадқиқот университети, Самарқанд давлат университети каби илмий тадқиқот марказларида олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикасининг кўплаб масалаларини ўрганиш ва тадқиқ қилишда қаралаётган объектнинг муҳим ҳисобланган параметрларини маълум механик ҳамда математик қонуниятларга асосан назарий таҳлил қилиш билан уларнинг амалий аҳамиятини очиб беришга қаратилган. Қайд этилган масалаларда қатламли конструктив тузилишга эга қурилмаларнинг асос билан бирга ишлашда қурилма элементларининг ички зўриқиш факторларини асоснинг турли хусусиятларини инобатга олган ҳолда баҳолашни амалга ошириш учун математик модел ҳамда содалаштирилган аналитик ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Грунтли асослар билан ўзаро таъсирда бўлган турли иншоотларнинг мустақамлигини баҳолаш ишлари ҳозирги давр талаби бўлиб қолди. Бу соҳадаги кенг қамровли илмий тадқиқот ишларини амалга оширган олимлардан М.Т.Ўразбаев, Т.Р.Рашидов, Т.Ш.Ширинкулов, Ё.Н.Мубараков, Т.Б.Бўриев, М.М.Мирсаидов, К.С.Султанов, Г.Н.Ҳожметов, З.Г.Тер-Матросян, Б.М.Мардонов, И.М.Мирзаев, З.С.Сирождидинов, Б.Х.Хусанов, Н.А.Ситович, Ю.К.Зарецкий, С.С.Вялов ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Қаттиқ жисм билан ташқи муҳитнинг ўзаро таъсирида бўлган системалар механикасининг статик ва динамик масалаларини моделлаштириш жараёнига қаратилган илмий изланишлар олиб борган ва

олиб бораётган олимлардан А.А.Ржаницин, Ү.Токочу, Ма Chizu-Ching, А.З.Хасанов, В.Б.Флорин, Я.Штаерман, Й.Н.Работнов, Г.К.Клейн, Б.Н.Баршевский, Б.И.Крилов, А.А.Абдусаттаров, А.Б.Ахмедов, Р.Ш.Индаминов ва бошқаларнинг ишларини кўрсатиш мумкин.

Эластик пластинка ва плиталарнинг эгилиши ҳамда тебранишига оид масалаларнинг турли чегара шартларда уларнинг муҳим механик ҳамда геометрик параметрларини ҳисобга олиш билан амалга оширилган илмий изланишлар билан Ф.Б.Бадалов, Т.М.Мавлонов, Б.М.Марданов, Х.Х.Худойназаров, А.Х.Холжигитов, М.К.Ўсаров, К.Исмайлов, О.А.Егоривеч, И.Г.Филлипов, E.Gorera, Е.Б.Алтухов, I.Lewinski, A.B.Kudin, A.N.Sofiyev, Б.М.Сеймон, L.N.Donnet ва бошқалар шуғилланишган.

Бир қатламли ва кўп қатламли пластинка ва плиталарнинг асос билан муносабатига доир контакт масалаларда ички зўриқишларни баҳолашга оид илмий, тадқиқот ишлари Г.Я.Попов, В.М.Сеймов, Т.Ш.Ширинкулов, М.М.Мирсаидов, И.А.Симвулиди, И.А.Ржаницин, В.З.Власов, Н.Н. Леонтев, Й.И.Новичков, И.Г.Филлипов, J.Takekova, J.Awrejeewisd, Р.А.Абдураимов, Б.Е.Хусанов, Б.И.Крилов, И.И.Сафаров ва бошқаларга тегишли.

Кейинги бир неча ўн йилликлар ичида эластик асосда ётувчи қатламли конструкцияларнинг асос билан биргаликда ишлашида муҳим аҳамиятга молик параметрларини баҳолашга қаратилган назарий ишланмаларни яратиш асосий тадқиқот йўналишларидан бири ҳисобланади. Қайд этилган йўналиш бўйича Г.Я.Попов, Т.Ш.Ширинкулов, М.М.Мирсаидов ва уларнинг ўқувчилари томонидан эластик асоснинг бир жинслилиги, бир жинсли бўлмаганлиги, комбинацияланганлиги каби турли хусусиятларини инобатга олган ҳолда унинг чўкишини аниқлашга хизмат қиладиган математик моделлар ва мос усуллар ишлаб чиқилган.

Эластик асосда ётувчи қатламли плиталарнинг ички зўриқиш кучларини ташқи кучларга боғлаган ҳолда текшириш ва баҳолаш, бундай конструкцияларнинг кутиладиган даражада ишлашини таъминлаш имкониятларини беради. Бу соҳада кўплаб амалда қўлланилаётган илмий тадқиқот ишлар мавжудлигига қарамасдан изланиш натижаларини янада мукамаллаштиришга эҳтиёж пайдо бўлмоқда.

Шунинг учун, мазкур диссертация тадқиқоти эластик асос билан контакт муносабатдаги кўп қатламли плиталарга доир масалаларни ечиш учун плита ва тўлдирувчи қатламларнинг дискрет ўзгарувчи бикирликларини инобатга олган ҳоллар учун математик модел ишлаб чиқишга бағишланган. Тадқиқотда ишлаб чиқилган моделга мувофиқ асоснинг бир жинслилиги, бир жинслимаслиги, комбинацияланганлиги каби турли хусусиятларига мос классик ортогонал кўпҳадларнинг қўлланилишига асосланган аналитик ҳисоблаш усуллари ва уларни амалга ошириш алгоритмлари ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган усулларнинг амалий масалаларни ечиш, натижаларини эса амалётда қўллаш мумкинлиги кўрсатилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқор ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислар институти, Миллий тадқиқот унверситетидаги Ўзбекистон Республикасининг 2021-2026 йилларга мўлжалланган №ФЗ-20200929327-сонли “Грунтли тўғонлар мустаҳкамлигининг ишончли технологияси ва назариясини грунтнинг чизиқлимас филтирланиши ва намлигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш” мавзусидаги Фундаментал гранти ва давлат буюджетидаги 2021-2023 йилларга мўлжалланган “Грунтли иншоотлар мустаҳкамлиги ва динамикасини материалнинг чизиқлимас деформацияланишини инаботга олган ҳолда ҳисоблашнинг истиқболли усуллари ишлаб чиқиш” ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Суюқлик, газ ва плазма ҳамда диформацияланувчан қаттиқ жисм механикасининг дозарб муаммолари” мавзусидаги тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Эластик асосда ётувчи кўп қатламли плиталарнинг эгилишига доир масалаларнинг математик моделларини ишлаб чиқиш ва ечиш усуллари тақомиллаштириш; масалаларни ечиш учун аналитик усулларни ишлаб чиқиш; масалани ечишда оддий ортогонал кўпҳадларни тадбиқ қилиш билан плиталардаги ички зўриқиш кучларини баҳолаш; плиталар орасидаги тўлдирувчи қатламнинг плиталардаги зўриқишларга таъсирини таҳлил қилиш; эластик асоснинг бир жинслилиги, бир жинсли бўлмаганлиги, комбинацияланганлиги каби турли хусусиятларининг плиталарга таъсирини аниқлаш; асоснинг реактив кучланишлари билан плиталардаги зўриқиш кучлалари орасидаги боғланишларни таҳлил қилиш ва баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ташқи куч таъсирида эгилувчи кўп қатламли плиталар билан эластик асос орасидаги муносабатга доир контакт масалаларнинг математик моделини ишлаб чиқиш;

асосининг бир жинслилиги, бир жинсли бўлмаганлиги, комбинацияланганлиги каби характерли хусусиятларини инаботга олиб классик ортогонал кўпҳадларга асосланган аналитик ҳисоблаш усуллари яратиш;

ишлаб чиқилган математик модел ва ечиш усулини қаралаётган масалаларни ечишда қўллаш мумкин эканлигини асослаш;

асосининг қайд этилган характерли хусусиятларининг плиталардаги ички зўриқиш кучларига таъсирини аниқлаш;

плиталар орасидаги тўлдирувчи қатламларнинг ва асоси реактив босимларининг плиталардаги ички зўриқиш кучларига таъсирини баҳолаш;

ишлаб чиқилган усулга мувофиқ ҳисоблаш ишлари учун мукаммаллаштирилган аналитик ҳисоблаш алгоритминини яратиш;

тадқиқот ишларининг натижаларига мувофиқ хулоса ва тавсияларини олиш ва ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида ҳар хил статик юкланган ва турли механик хусусиятли кўп қатламли плиталар билан эластик ярим фаза муносабатига доир масалаларнинг назарий текширилиши ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Ҳар иккисининг орасида тўлдирувчи қатлам бўлган бир нечта плиталарнинг эластик асос билан икки томонлама ўзаро таъсирини ҳар хил статик юкланишлар ва турли механик ва геометрик параметрларни ҳисобга олган ҳолда текширишни ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Эластиклик назариясининг умумий тартибдаги қонунларига асосланган ҳолда қаралаётган масалалар кўчишга доир интегро-дифференциал тенгламаларнинг ёпиқ системасига келтирилган. Эластик асоснинг чўкишини аниқлашдаги интеграл тенгламадаги ядро ортаганал кўпҳадларнинг қаторига тарқатилган. Асоснинг реактив кучланишлари номаълум коэффицентли ортогонал кўпҳадларнинг қатори кўринишида қабул қилинган. Масала чексиз алгебраик тенгламалар системасини ечишга келтирилган. Чексиз алгебраик тенгламалар системасининг регулярилик кўрсатилиб, редукция усулида ечилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

грунтлар билан ўзаро таъсирда бўлган кўп қатламли плиталар эгилишида ҳосил бўладиган ички зўриқиш кучларини грунтларнинг бир жинсли, бир жинсли бўлмаган ва комбинациялашган хусусиятларини эътиборга олиб баҳолаш учун математик модель ишлаб чиқилган;

грунтлар билан ўзаро таъсирда бўлган кўп қатламли плиталар эгилишида ҳосил бўладиган ички зўриқиш кучларини грунтларнинг турли хусусиятларини эътиборга олган ҳолда баҳолаш учун ортогонал кўпҳадларга асосланган янги аналитик усул ва алгоритм ишлаб чиқилган;

эгилиш жараёнида плиталарда содир бўладиган ички куч факторларини баҳолаш учун яратилган аналитик усул ва келтириб чиқарилган чексиз алгебраик тенгламалар системасининг ягона ва мавжудлиги кўрсатилган;

кўп қатламли плита ва грунтли асос орасидаги уринма кучланишни эътиборга олган ҳолда плиталарда ҳосил бўладиган ички кучларни баҳолаш учун Якоби ва Гегенбауэр кўпҳадларига асосланган янги формула ишлаб чиқилган;

грунтли асос билан ўзаро таъсирда бўлган кўп қатламли плитали конструкция элементларида ҳосил бўладиган ички зўриқиш кучларини баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

тўлдирувчининг бикрлик коэффиценти ошиши бир жинсли бўлмаган асосларда ётувчи плиталардаги ички зўриқиш кучларини камайтириши ва асосдаги реактив кучларнинг қайта тақсимланишига олиб келиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси:

Плиталарнинг бикирлик коэффицентлари дискрет ўзгарувчан бўлган ҳол учун уларнинг эгилишини аниқловчи дифференциал тенгламалар системаси олиниб, системанинг аналитик кўринишдаги умумий ечимлари аниқланган;

турли хусусиятли асоснинг плиталардаги ички зўриқиш кучларига таъсирини аниқловчи формулалар ва ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

эластик асоснинг ҳар хил хусусиятларига мос ҳолда тўлдирувчи қатламнинг плиталарга таъсири баҳоланган;

асоснинг бир жинслилик, бир жинсли бўлмаганлик ва комбинациялашганлик хусусиятларига мос келувчи реактив кучланишларнинг тарқалиш қонуниятлари классик ортогонал кўпҳадлар ёрдамида аниқланган;

лойиҳа - ҳисоб ишларини бажариш учун мукамаллаштирилган ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

ҳисоб ишларида ҳисобланаётган номаълум миқдорнинг аниқлигини таъминлаш учун лозим бўлган сонли чекланиш миқдорлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Замонавий бино ва иншоотларни лойиҳалаш ва қуриш жараёнидаги амалий эҳтиёжларни инаботга олиш асосида шакллантирилган масалалар ечимларининг тўғрилиги қатъий математик усуллар ёрдамида исботланган. Масалани ечиш учун тақдим этилган интегро-дифференциал тенгламалар системаси ва уларнинг аналитик ечимларининг ишончлилиги, систематик текширишлар, бошқа ўхшаш тадқиқотлар натижалари билан, хусусан Т.Ш.Ширинкулов, В.М.Сеймов, Г.Я. Поповларнинг назарлари ва назария асосида олинган натижалари билан таққосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти:

Грунтлар билан ўзаро таъсирда бўлган кўп қатламли плиталар эгилишида ҳосил бўладиган ички зўриқиш кучларини грунтларнинг бир жинсли, бир жинсли бўлмаган ва комбинациялашган хусусиятларини эътиборга олиб баҳолаш учун математик модель, ишлаб чиқилган янги аналитик усул ва олинган янги формула, ташқи муҳит билан ўзаро таъсирда бўлган конструкция элементларида ҳосил бўладиган зўриқиш кучларини ва мустақамликни баҳолаш асоси яратилган;

Ишлаб чиқилган усул, келгусида деформацияланувчи қаттик жисм механикаси масалалари бўйича кўпҳадларга асосланган аналитик усулларни ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат килади;

Олинган илмий натижалар плиталарнинг ҳар хил хусусиятга эга бўлган асос билан ўзаро таъсирга оид бўлган амалий масалаларни ечишда ҳосил буладиган ички кучларни баҳолашда асос бўлиб хизмат килади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти:

Ўзаро таъсирда бўлган кўп қатламли плиталар ва турли хусусиятга эга бўлган асосли конструкцияларда статик кучлар таъсирида ҳосил бўладиган ички зўриқиш куч факторларини баҳолаш имкониятини берадиган математик

модель, аналитик ҳисоблаш усули ва инженерик ишларини бажаришда ишлатиш имкониятини берадиган формулалар яратилган.

Статик кучлар таъсирида кўп қатламли плитали конструкция элементларида турли грунтли асос билан узаро таъсири натижасида ҳосил бўладиган жараёнларни олдиндан айтиб бериш имкониятини бериб, янги механик натижаларни ҳосил бўладиган ички кучларни қандай яхши томонга ўзгартириш мумкинлиги кўрсатиш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Қаттиқ жисмлардан ташкил топган қатламли конструкцияларнинг асос билан контакт муносабатига доир назарияни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган математик модел, ҳисоблаш усулларининг такомиллаштирилган алгоритмларини қўллаш асосида:

Плиталар орасида жойлашган тўлдирувчи қатлам ҳамда грунтли асос турли хусусиятларининг плиталардаги ички зўриқиш кучларига таъсирини аниқлаш усули кўп қаватли биноларни лойиҳалашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 24 августдаги, 08-06/8408-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижаларидан фойдаланишпойдевор плиталаридаги ички зўриқиш кучларини 1.23 марта камайтиришга эришилган;

эластик асосда ётувчи кўп қатламли плиталарининг эгилишига доир контакт масалаларни ечиш учун ишлаб чиқилган Якоби кўпҳадини Гегенбауэр кўпҳадлари билан боғловчи формуладан аналитик ечим олишда фойдланилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 24 августдаги, 08-06/8408-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари ултрасферик кўпҳаднинг 3 та қўшилувчиси билан ҳисоблашда сонли ечимни 10^{-2} аниқликда куришимконини берган.

Диссертация ишининг илмий-назарий ва амалий хулосалари асосида “70730304 – Қурилиш конструкциялари, махсус жиҳозлар ва муҳандислик тизимлари монтажи” магистратура мутахассислигининг “Қурилиш конструкцияларини ҳисоблаш ва тадқиқ этишда математик моделлаштириш” фани дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023 йил 8 февралдаги, 02/01-01-17- сонли маълумотномаси). Натижада янги ишлаб чиқилган фан дастуридан магистратура босқичи талабаларига “Қурилиш конструкцияларини ҳисоблаш ва тадқиқ этишда математик моделлаштириш” фанини ўргатишда университетлар миқёсида қўлланилган.

Тадқиқод натижалари курилаётган кўп қаватли турар жой биноларини лойиҳалаш ва куриш жараёнида ҳисоблаш натижаларини янада аниқроқ олиш имконини берди. (Маълумотнома “O‘ZSHAHARSOZLIK LITI” DUK(2023 йил 21 август)). Натижада бионинг грунтли асосга мос

жойлашадиган ўрни учун дастлабки техник ишлов бериш жараёнида сарфланган вақтни 7 % гача, сарфланган сармояни эса 6 % гача тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси.

Мазкур илмий тадқиқот ишининг натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислар институт Миллий тадқиқот унверситети “Назарий ва қурилиш механикаси” кафедраси қошидаги “Механика муаммолари” бўйича ОТМ Республика илмий семинарида (2022 йил, 14 май, баённома №5.), Ўз.Р. ФА қошидаги М.Т.Ўрозбоев номидаги М ва ИСМИ даги “Конструкция ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги” бирлашган илмий семинарида (2022 йил, 28 сентябрь, баённома №14) маъруза қилинган ва муҳокамасидан ўтган.

Тадқиқотнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий иш чоп этилган бўлиб улардан 2 таси монография, 16 таси илмий мақола, 1 таси интеллектуал мулк ҳуқуқи гувоҳномаси, 7 таси халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференция ҳамда семинарларнинг материаллари тўпломларида чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги қошидаги ОАКнинг фан доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, шулардан 4 таси хорижий, 10 таси республика миқёсидаги нашрларда чоп этилган. 2 та илмий мақола халқаро илмий-тадқиқот конкурсларининг илмий мақолалар тўпламларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 196 бетни ташкил қилади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг кириш қисмида дастлаб илмий тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Шундан сўнг, тадқиқотнинг мақсади, ечими топилиши лозим бўлган асосий муаммолар баён қилинган. Мавзу бўйича қаралган масалаларнинг ечилиш усуллари, химояга олиб чиқиладиган асосий янгиликлари тавсифланган ва санаб ўтилган. Ишда олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ҳамда жорий қилинганлиги, шунингдек апробацияси, матбуотда эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Диссертациянинг “Кўп қатламли плиталарнинг бир жинсли асос билан бирга деформацияланишининг математик модели ва ички кучларни аниқлаш усули” деб номланган биринчи боби бешта параграфдан иборат. Бобнинг биринчи параграфида девормацияланувчи грунтли асос билан ўзаро контактда бўлган қурилмалардаги ички кучларни баҳолаш усуллари оид илмий тадқиқот ишларининг қисқача таҳлилий шарҳи келтирилган.

Иккинчи параграф масаланинг қўйилиши ва математик моделлаштиришга бағишланган. Унда эластик асосда ётувчи, ораларида эластик тўлдирувчи қўйилган, устма-уст жойлашувчи n та полоса-плита (1-расм, а) ва балка-плита (1-расм, б) ларнинг ҳисобланиш схемасига мувофиқ балка-плиталарнинг y_i эгилишини ифодаловчи

$$D_i y_i^{IV} = q_i + k_i(y_{i+1} - y_i) - k_{i-1}(y_i - y_{i-1}) - \delta_i p, \quad i = 1, 2, \dots, n \quad (1)$$



1-расм. Устма-уст жойлашувчи n та а) полоса-плитани, б) балка-плитани ҳисоблаш схемаси.

дифференциал тенгламалар системаси келтирилган. Бу ерда D_i, k_i – мос равишда плита ва тўлдирувчи қатламларнинг дискрет ўзгармас бикирлик коэффициентлари; q_i - координатадан боғлиқ ўзгарувчи ташқи куч; p - эластик асоснинг нормал реактив кучланиши;

$$k_n = k_0 = 0; \quad \delta_i = 1, \text{ агар } i = 1; \quad \delta_i = 0, \quad \text{агар } i \neq 1 \text{ бўлса.} \quad (2)$$

Эластик асоснинг V чўкишини аниқловчи

$$V = \alpha \int_{-l}^l p(s) \ln \frac{1}{|x - s|} ds, \quad \alpha = const \quad (3)$$

интеграл тенглама ва асос билан икки томонлама контакт муносабатдаги балка-плитанинг контакт шартлари

$$y_i(x) = V(x), \quad -l \leq x \leq l \quad (4)$$

кўринишда олинган. Келтирилган (1), (3), (4) тенгликлар қаралаётган масалани ечувчи асосий интегро-дифференциал тенгламалар системасини ташкил қилади. Биринчи бобнинг учинчи параграфидида масаланинг номаълумларини аниқлшга қаратилган асосий интегро-дифференциал тенгламалар системасининг умумий ечимларини олиш усули кўрсатилган. Таклиф қилинган усул асоснинг номаълум реактив кучланишини Чебишевнинг номаълум коэффициентли кўпхадларининг қатори кўринишида кидиришга асосланган. Шу асосда масала номаълум коэффициентларга нисбатан чексиз алгебраик тенгламалар системасини таҳлил қилишга келтирилиши кўрсатилган.

Биринчи бобнинг тўртинчи параграфи масалани ечиш усулининг асосланишига бағишланган. Соддалик учун икки қатламли балка-плитага доир масала ихтиёрий, ҳеч бўлмаганда бўлакли узлуксиз, функционал конуниятли ташқи кучлар учун умумий ҳолда ечилиб,

$$a_n + \sum_{n=0}^{\infty} a_n A_n = \alpha \frac{A_k}{2n}, \quad k = 1, 2, \dots \quad (5)$$

кўринишдаги A_n - номаълум коэффициентларга нисбатан чексиз алгебраик тенгламалар системаси ҳосил қилинган. Бу системадаги маълум $a_n, a_{n,k}$ - коэффициентлар учун қуйидаги

$$|a_n| < \infty; \quad \sum_{n=0}^{\infty} a_{n,k} = S_n < 1, \quad k = 1, 2, 3, \dots \quad (6)$$

шартларнинг бажарилиши математик исботланган. Исботланган (6) кўринишдаги баҳоланишлар уларга мос (5) чексиз алгебраик тенгламалар системасининг регуляр эканлигини билдиради. Бу эса чексиз алгебраик тенгламалар системаси (5) ягона яқинлашувчи ечимга эга эканлигини ва демак қаралаётган масаланинг корректлигини, ишлатилган усул билан яқинлашувчи ечимни керакли аниқликда топиш мумкинлигини тасдиқлайди.

Биринчи бобнинг бешинчи параграфида узлуксиз текис тақсимланган куч билан юкланган икки қатламли балка-плитанинг асос билан узлуксиз контакт муносабатига доир масала шунингдек сонли мисол ечиб кўрсатилган. Бу ерда плиталарнинг симметрия марказида ва четки нуқталарида мос равишда қуйидаги


$$y'_i = 0, y_i''' = 0 \text{ ва } y_i'' = 0, y_i''' = 0, \quad i = 1, 2 \quad (7)$$

чегара шартларини қаноатлантирувчи хусусий ечимлари топилган. Келтирилган (5) кўринишдаги системанинг қайд этилган шартларига мос a_k , ва $a_{n,k}$ коэффициентлари аниқланган. Регуляр системани редукция усулида ечиш тартибига мувофиқ системанинг дастлабки бешта номаълумга нисбатан дастлабки бешта тенгламалар системаси ажратиб олинган. Ажратиб олинган системанинг плиталар ҳамда асоснинг қуйидаги геометрик ва механик

$$l = 500\text{см}; \quad h_1 = h_2 = 45\text{см}; \quad \nu_1 = \nu_2 = 0.167; \\ E_1 = E_2 = 1.25 \cdot 10^5 \frac{\text{КГ}}{\text{СМ}^2}; \quad \nu_0 = 0.3; \quad E_0 = 5 \cdot 10^2 \frac{\text{КГ}}{\text{СМ}^2} \quad (8)$$

параметрларига мос ечимларини тўлдирувчи қатлам бикирлик $k(kg/sm^3)$ коэффициентининг турли $0.25; 0.50; 0.75; 1.00; 1.25$ қийматларига мос ечимлари ҳисоблаб топилган.

Системанинг топилган ечимларига мос келувчи биринчи M_1 , иккинчи M_2 ва таққослаш учун битта M балка-плиталар эгувчи моментларининг графиклари 2- расмлар кўринишида келтирилган.



2-расм. Тўлдирувчи қатлам бикирлик коэффициентининг турли қийматларига мос келувчи балка-плиталар эғувчи моментларининг графиклари.

Қаралган масалага мос сонли мисол натижаларига асосан бир жинсли асосда ётувчи кўп қатламли плиталарнинг ички зўриқиш кучлари, тўлдирувчи қатламнинг бикирлиги ошиши билан, бир-бирига микдор жиҳатдан яқинлашиши каби характерли хулосалар олинган. Ҳисоблаш натижалари 1-жадвал кўринишида келтирилган.

1-Жадвал

Алгебраик тенгламалар системаси ечимларининг сон қийматлари

$k(kg/sm^3)$	0.25	0.50	0.75	1.00	1.25
A_0/q	1.273239	1.273239	1.273239	1.273239	1.273239
A_2/q	-0,299585	-0.300485	-0.300577	-0.300619	-0.300673
A_4/q	-0.003142	-0.003198	-0.003213	-0.003345	-0.003471
A_6/q	0.000273	0.000265	0.000269	0.000271	0.000289
A_8/q	0.000067	0.000069	0.000072	0.000074	0.000081

Диссертациянинг иккинчи боби “Асосда ётувчи кўп қатламли плиталардаги ички кучларни асос билан плита орасидаги урунма кучланиш ҳисобга олинган ҳолда баҳолаш” деб номланади. Бу бобда эластик асос билан икки томонлама узлуксиз контакт муносабатга энг қуйида жойлашган плита билан асос орасидаги нормал кучланишдан ташқари урунма кучланиш ҳам мавжуд деб қаралади. Ушбу урунма кучланишнинг плиталардаги ички зўриқиш факторларига таъсири текширилиб тегишли хулосалар олинган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфи масаланинг қўйилиши ва математик моделлаштирилишига бағишланган. Келтирилган 1- расмдаги ҳисоблаш схемалари ҳамда белгилашлардан фойдаланилган. Шунинг учун масалани ечувчи асосий тенгламалар:

балка-плиталарнинг вертикал y_i ва горизонтал u_τ кўчишларини аниқловчи дифференциал тенгламалар системаси

$$D_i y_i^{IV} = q_i + k_i(y_{i+1} - y_i) - k_{i-1}(y_i - y_{i-1}) - \delta_i(p + 0.5h_1\tau'), \quad i = 1, 2, \dots, n. \quad (9)$$

$$u_\tau = \alpha_3 \int_0^x \int_0^x \tau(s) ds + B_1 x + B_2 - 0.5h_1 y_1'; \quad (10)$$

асос нуқталарининг вертикал V , горизонтал U кўчишини аниқловчи интеграл тенгламалар системаси

$$V = \alpha_1 \int_{-l}^l p(s) \ln \frac{1}{|x-s|} ds + \alpha_2 \int_{-l}^l \text{sign}(x-s) \tau(s) ds; \quad (11)$$

$$U = \alpha_1 \int_{-l}^l \tau(s) \ln \frac{1}{|x-s|} ds + \alpha_2 \int_{-l}^l \text{sign}(x-s) p(s) ds; \quad (12)$$

асос билан балка-плитанинг ўзаро контакт шартлари

$$y_{1(x)} = V(x); \quad u_{\tau(x)} = U(x), \quad -l \leq x \leq l \quad (13)$$

кўринишларда берилган. Масалани ечувчи келтирилган ушбу интегро-дифференциал тенгламалар тенгламаларнинг ёпиқ системасини ташкил қилади.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида қаралаётган масаладаги номаълумларни аниқлаш усули келтирилган. Эластик асоснинг қидирилаётган нормал ҳамда уринма кучланишларини номалум коэффицентли Чебишев кўпхадларининг қатори кўринишида излаш усули қўлланилган.

Усулга мувофиқ масаланинг барча номалумлари иккита номалум коэффицентли қаторлар орқали ифодаланади. Бу номалум коэффицентларни топиш учун ўзаро боғлиқ иккита чексиз алгебраик тенгламалар системаси ҳосил қилинади. Соддалик учун иккита балка-плиталар учун номаълум A_n, B_n коэффицентларга нисбатан қуйидаги кўринишда бўлган

$$a_{1,k} + \sum_{n=0}^{\infty} (a_{1,n,k} A_n + b_{1,n,k} B_n) = \pi^2 \alpha_1^2 \frac{A_k}{2k}, \quad k = 1, 2, \dots \quad (14)$$

$$a_{2,k} + \sum_{n=0}^{\infty} (a_{2,n,k} A_n + b_{2,n,k} B_n) = \pi^2 \alpha_1^2 \frac{B_k}{2k}, \quad k = 1, 2, \dots \quad (15)$$

чексиз алгебраик тенгламалар системаси ҳосил қилинади. Бу ерда $a_{i,k}, a_{i,n,k}, b_{i,n,k}, i = 1, 2$ – малум коэффицентлар.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфида ишлатилган усулнинг математик асосланиши амалга оширилган. Бунинг учун (13) системанинг регуляригини тасдиқловчи қуйидаги тенгсизликлар олинган

$$|a_{1,k}| \leq \frac{a_1}{2k} p_{k-1}; \quad |a_{2,k}| \leq \frac{a_2}{2k} p_{k-1}; \quad S_k = \sum_{n=0}^{\infty} (|a_{1,n,k}| + |a_{2,n,k}| + |b_{1,n,k}| + |b_{2,n,k}|) \leq \left\{ l^4 (D_1 + D_2)^{-1} \left[\sum_{n=3}^{\infty} p_{n-3} + D_2 l^{-4} u (3 + 0.5 h_1 l^{-1}) \sum_{n=2}^{\infty} p_{n-2} \right] + [\alpha + 0.5 h_1 l^3 (D_1 + D_2)^{-1} + D_2 l^{-4} u] \sum_{n=1}^{\infty} p_{n-1} \right\} p_{k-1}; \quad (16)$$

шунингдек,

$$|a_{1,k}| \rightarrow 0, \quad |a_{2,k}| \rightarrow 0, \quad S_k \rightarrow 0, \quad \text{агар } k \rightarrow \infty. \quad (17)$$

Бу ерда a_1, a_2, u – ўзгармаслар; p_k – Якоби кўпхаднинг нормаси.


Иккинчи бобнинг тўртинчи параграфида текис узлуксиз тақсимланган ташқи куч таъсиридаги икки қатламли балка-плита билан эластик асоснинг асосдаги уринма кучланиши ҳисобга олингандаги масала (7) кўринишдаги чегара шартларда ечилган. Ечилган масалага мос чексиз алгебраик тенгламалар системаси ечимларига мувофиқ, плиталардаги ички зўриқиш кучларини миқдорий текшириш ва баҳолаш учун (8) кўринишдаги параметрлар бўйича сонли мисол ечиб кўрилган. Сонли мисол натижалари сифатида тўлдирувчининг турли бикирлик коэффициентларига мос келувчи 9 та номалумли алгебраик тенгламаларнинг сонли ечимлари 2-жадвалда келтирилган.

2-Жадвал.

Алгебраик тенгламалар системаси ечимларининг сон қийматлари

$k(kg/sm^3)$	0.25	0.5	0.75	1.00	1.25
A_0/q	1.273239	1.273239	1.273239	1.273239	1.273239
A_2/q	-0.308264	-0.306441	-0.304161	-0.302753	-0.301269
A_4/q	-0.041247	-0.040962	-0.037824	-0.033472	-0.031643
A_6/q	0.002193	0.002081	0.001973	0.001746	0.001385
A_8/q	0.0003427	0.0003165	0.0002761	0.0002472	0.0002169
B_1/q	0.817618	0.806977	0.793185	0.784676	0.778634
B_3/q	-0.427618	-0.421738	-0.415627	-0.410698	-0.407164
B_5/q	-0.044363	-0.041764	-0.037954	-0.031761	-0.030118
B_7/q	0.001394	0.001169	0.000875	0.000554	0.000347

3-расмда биринчи M_1 , иккинчи M_2 балка-плиталарнинг эгувчи моментлар учун графиклар келтирилган.



3-расм. Уринма кучланиш ҳисобга олинганда, тўлдирувчи қатлам бикирлик коэффициентининг турли қийматларига мос келувчи балка-плиталар эгувчи моментларининг графиклари.

Графикларда таққослаш учун, узликли чизиклар билан уринма кучланиш ҳисобга олинмаган ҳоллардаги эгувчи моментлар белгиланган.

Боб сўнгида қаралган масала бўйича асосдаги уринма кучланиш ҳамда тўлдирувчи қатламнинг плиталардаги ички зўриқиш факторларга таъсири юзасидан таҳлилий хулосалар берилган.

Диссертациянинг учунчи бобида “Кўп қатламли плиталарнинг комбинациялашган асос билан контакт муносабатларини моделлаштириш” деб номланган мавзудаги масала қаралган. Бу ерда эластик асоснинг мумкин бўлган қўшимча чўкишини инобатга олиш ва унинг қатламли плиталарга таъсири текшириш юзасидан олинган тадқиқот ишлари тўртта параграф орқали келтирилган.

Учинчи бобнинг биринчи параграфи масаланинг қўйилиши ва математик моделлаштирилишига бағишланган. Моделлаштириш жараёнида келтирилган 1- расмларга мос ҳисоблаш схемалари ва уларда ишлатилган белгилашларга асосланиб олинган дифференциал тенгламаларнинг (1) системаси ҳамда контакт шартни ифодаловчи (3) тенглик айнан шундай кўринишда олинган. Эластик асоснинг V чўкишини аниқловчи интеграл тенглама, Штаерман гипотезасига кўра асоснинг чўкишини аниқловчи Гарбинов-Посадов ҳамда Циммерман-Винклер формулаларининг комбинациясидан иборат бўлган, қуйидаги

$$V = \theta \int_{-l}^l p(s) \ln \left(\frac{1}{|x-s|} \right) ds + \lambda p(x) \quad (18)$$

кўринишда олинган. Бу формулада θ, λ – ўзгармаслар бўлиб, улар эластиклик модули, Пуассон коэффисиенти ҳамда сирт структурасидан боғлиқ миқдорлардир. Келтирилган (1), (3), (18), тенгликлар қаралаётган масалани ечувчи асосий тенгламалар системасини ташкил қилади.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида қаралаётган масаланинг номаълумларини аниқлаш усули келтирилган. Бу ерда (18) формуладаги интеграл ядроси учун Чебишевнинг биринчи тур $T_n(x)$ кўпҳадларига асосланган, маълум

$$\ln\left(\frac{1}{|x-s|}\right) = -\ln 2 + \sum_{n=1}^{\infty} \frac{1}{n} T_n(x) T_n(s), \quad x \neq s \quad (19)$$

ёйилмадан фойдаланилган. Ёйилма ҳар бир кўшилувчиси ўзгарувчилар бўйича ажралган ифодани ташкил қилганлиги учун математикадан маълум “ажралган ядро усули” (метод выраждённых ядер) усулидан фойдаланилган. Биринчи марта қўлланилаётган ушбу усулнинг қулайлик томонларини ёритиш мақсадида соддалик учун дастлаб битта, кейин иккита қатламли балка – плиталар билан комбинацияланган эластик асоснинг контакт муносабатига оид масалалар умумий ҳолда ечиб кўрсатилган. Умумий ечимни олишда Фредгольмнинг иккинчи тур интеграл тенгламаларини ажралган ядро усулида ечиш тартиблари ҳамда шартларига тўлиқ амал қилган ҳолда иш юритилган. Натижада масаланинг қидирилаётган асос чўкиши ҳамда реактив кучланиши шунингдек плиталардаги ички зўриқиш кучларини номаълум ўзгармас A_n коэффицентлар орқали ифодалаш мумкинлиги кўрсатилган.

Номаълум A_n коэффицентларни топиш учун (5) кўринишдаги аммо ундан маълум коэффицентлари билан фарқланувчи чексиз алгебраик тенгламалар системаси олинган.


Учинчи бобнинг учинчи параграфида қўлланилган усулнинг асосланиши кўрсатилган. Келтирилган (5) кўринишдаги чексиз алгебраик тенгламалар системасининг регулярилик шартлари текширилган. Текшириш натижасида

$$|a_k| < \infty, \quad \sum_{n=1}^{\infty} \frac{1}{n} |a_{n,k}| < \gamma_n \sum_{n=1}^{\infty} \frac{\gamma_n}{n} < \infty, \quad \gamma_n \rightarrow 0, \quad \text{агар } k \rightarrow \infty \quad (20)$$

баҳолашлар олинган. Олинган баҳолашлар (5) кўринишда келтирилган системанинг регулярилик эканлиги тасдиқлайди.

Учинчи бобнинг тўртинчи параграфида узликсиз текис тақсимланган куч билан юкланган икки қатламли балка – плитанинг комбинацияланган эластик асос билан муносабатига оид масала (7) кўринишдаги чегара шартларда ечиб кўрсатилган. Олинган ечимларни сонли таҳлил қилиш мақсадида тўлдирувчи қатламнинг турли қийматлари ва асоснинг $\lambda = 0,2 \text{ см}^3/\text{кг}$ параметрли хусусияти ҳамда (8) кўринишдаги қийматларига мос сонли мисол ечиб кўрсатилган.

4-расмда биринчи M_1 ва иккинчи M_2 балка – плиталарнинг эгувчи моментлари учун графиклар κ коэффициентнинг $\kappa=0,25; 0,50; 0,75$ ҳамда 1.00 га тенг қийматлари учун келтирилган. Графикларда таққослаш учун узлукли чизиқ билан комбинацияланмаган асосга мос графиклар белгиланган.



4-расм. Тўлдирувчи қатлам бикирлик коэффициентининг турли қийматларига мос келувчи балка-плиталар эгувчи моментларининг графиклари.


Сонли мисол натижалари (5) кўринишдаги системанинг редукция усулига асосланган дастлабки учта ечимларининг сонли ечимлари 3-жадвалда келтирилган.

3-Жадвал

Алгебраик тенгламалар системаси дастлабки учта ечимларининг сонли ечимлари

λ	k	A_0	A_2	A_4
0.2	0.25	$8,2473 \cdot 10^{-1}$	$-1,3961 \cdot 10^{-3}$	$9,8319 \cdot 10^{-5}$
0.2	0,75	$7,8601 \cdot 10^{-1}$	$-1,3165 \cdot 10^{-3}$	$9,5711 \cdot 10^{-5}$
0.2	1,25	$7,5749 \cdot 10^{-1}$	$-1,2774 \cdot 10^{-3}$	$9,2976 \cdot 10^{-5}$

Асоснинг нормал кучланишлари учун келтирилган (5-расмлар) графикларда p ва p_k орқали мос равишда комбинацияланмаган ва комбинациялашган асос кучланишлари белгиланган. Боб сўнгида ушбу бобда ечилган масалаларга оид таҳлилий хулосалар ёзилган.



5-расм. Асос реактив босимларининг графиклари.

Диссертациянинг “Бир жинсли бўлмаган асосда жойлашган кўп қатламли плиталардаги ички кучларни баҳолаш” деб номланувчи тўртинчи бобида кўп қатламли плиталарнинг ички зўриқиш кучларига бир жинсли бўлмаган эластик асоснинг тасирини назарий тадқиқ қилиш амалга оширилган бўлиб, у тўртта параграфлардан иборат тузилишга эга.

Тўртинчи бобнинг биринчи параграфда масаланинг қўйилиши ва математик моделлаштирилиши кўрсатилган. Масаланинг қўйилишига мос ҳисоблаш схемалари ва тегишли белгилашлар юқорида келтирилган. 1-расмлардаги каби олинган. Шунинг учун кўп қатламли балка – плиталарнинг эгилишини ифодаловчи дифференциал тенгламалар системаси ва контакт шартлар учун мос равишда (1) ва (2) тенгликлар олинган. Бир жинсли бўлмаган эластик асоснинг эластиклик (деформация) модули учун қуйидагича

$$E = E_m y^m, \quad 0 \leq m < 1 \quad (21)$$

Г.Клейн модули олинган. Бир жинсли бўлмаган эластик асоснинг V чўкишини аниқловчи тенглама

$$V = \frac{\Theta_m}{m} \int_{-l}^l \frac{p(s)}{|x-s|^m} ds \quad (22)$$

кўринишда олинган. Ушбу қайд этилган ҳамда ёзилган интеграл – дифференциал тенгламалар ситемаси қаралаётган масалани ечувчи асосий тенгламалар бўлиб, улар тенгламаларнинг ёпиқ системасини ташкил қилади.

Тўртинчи бобнинг иккинчи параграфида масаланинг асосий тенгламаларини ечиш усули келтирилган.

Таклиф қилинган усул бир жинсли бўлмаган асоснинг номаълум реактив кучланишини номаълум A_n коэффициентли ултрасферик кўпхадларнинг катори кўринишида олишга асосланган. Натижада масалани ечувчи тенгламалар системасининг барча ечимлари ушбу номаълум коэффициентлар орқали ифодаланади. Номаълум коэффициентларни топиш учун номаълумлари ушбу коэффициентлардан иборат бўлган аммо маълум коэффициентлари фарқли бўлган (5) кўринишдаги чексиз алгебраик тенгламалар системаси ҳосил қилинган. Ҳосил қилинган чексиз алгебраик тенгламалар системасининг ечимлари редукция усулидан фойдаланиб топилган.


Тўртинчи бобнинг учинчи параграфида масаланинг ечилиши учун қўлланилган усулнинг асослилиги назарий жиҳатдан исботланган. Бунинг учун системанинг маълум коэффициентлари учун қуйидаги

